



Тафаккур чашмаларидан
“Фавоид”дан бир фойда

Фикри-ёдингни сенга олдиндан кафолатлаб, белгилаб кўйилган нарсаларга эмас, балки, Аллоҳ тарафидан буюрилган ишларга машгул килгин. Албатта ризк ва ажал бир-бирига якин бўлган ва аввалдан тайин этилмиш нарсалардир. Токи ажал муддати хали бокий экан, ризк хам етиб тургувчиидир. Агар сенга, Илохий хикмат или ризк йўлларидан бири ёпилса, Илохий раҳмат туфайли, унданда манфаатлирок бўлган бошка бир йўл, сен учун албатта пайдо килингувчиидир.

Мана, хомилани кандай ризкланаётганини бир тафаккур килиб кўр. Озука унга факат кон оркали, киндиқдангина етиб туради. Качонки, хомила она корнидан ёруг оламга чикар экан, у емиш йўли тўхтайди ва энди, унинг учун бошка икки ризк йўли очилади. У иккисидан, аввалги келиб турган ризкданда лаззатлирок ва хушбўйрок, тўйимлирок ва тозарок бўлган ризк-сут етиб туради. Эмизиш муддати тамомига етгач эса, кўкракдан ажратиш билан у ризк йўли хам интихосига етади. Буни карангки, энди ризк келишини олдингиларидан хам комилрок бўлган тўрт йўли очилади. Икки егулик ва икки ичимлик йўли. Икки егулик тури: хайвонот олами ва наботот оламидандир. Икки ичимлик йўли эса, сув хамда сут ва уни ширин ва фойдали киладиган бошка кўшимчалардир. Нихоят, инсон бу оламдан кўз юмади ва бу ризк йўлларининг тўртталаси хам ёпилади....

Агар инсон саодат ахлидан бўлса, буёгига Аллоҳ субханаҳу ва таоло унга саккиз йўлни очади. Бу саккиз жаннат эшиги бўлиб, у баҳтиёр инсон, уларни кайсинисидан хохласа, шунисидан киради.



Шунинг учун хам, Аллоҳ таоло мўмин бандасини бирон нарсадан маҳрум этган бўлса, унга албатта, ундан-да афзалрок ва манфаатлирок бошкасини келтиргай...

Мўминларнинг улуши

Лекин, бу нарса мўминдан ўзгалар учун хос эмасдир. У зот мўмин бандаси учун паст ва арзимас улуш-насибани беришга рози бўлмайди ва ундан у насибани маън этади, сабаби, ундан кўра олий бўлган, кимматли бўлган улушни ато этмок учун. Лекин, банда ўзига манфаатли нарсаларнинг фойдаларидан ва Роббисининг муруввати, лутфи ва хикматидан бехабарлиги сабабли, маҳрум килингани билан, кейинга захира килиб, олиб кўйилган неъматлар ўртасидаги тафовутни билмайди. Балки у, гарчи, пастрок ва хакиррок бўлсада, накдига ва тезда келадиганига ўч ва интилевчан бўлади. Шу билан бирга, гарчи, у кейинрок ва кечрок келадигани олий ва сара бўлсада, унга рагбатсиз ва эътиборсиз бўлади... Агар банда Роббисининг хикматига сабр килувчи ва инсофли бўлганида эди, бундай бўлиши жуда кийин-у, дунё ва унинг лаззатлари, неъматларидан маҳрум килишдаги фазли, ато этишидан кўра улканрок фазлу-марҳамат эканини англаған бўларди. Нимаданки маҳрум этади, албатта ато этмок учундир, нимадаки балолайди, албатта, оғият бермок учундир, нимадаки имтиҳон килади, факатгина у сабабли бандасини покламок учундир, нимагаки ўлдиради, токи, кайта хаёт бермок учундир. Нима учунки бу дунё ховлисидан чикаради, токи, Ўз учрашувига йўлламок ва Ўзига элтувчи йўлга туширмок учундир. Ва “У эслатма-ибрат олмокчи бўлган, ёки шукр килмокчи бўлган кишилар учун кеча ва кундузни (бир-бирини) ўрнини босувчи килиб кўйган зотдир”. “Лекин коғир кимсалар факат куфргагина рози бўлурлар”...



Не гўзалдир, ризқинг йўллари... | 3

Ислом Нури

1.(Фуркон, 62), 2.(Исрo, 99)

Абдул Вадуд АХМАД таржимаси. 2003 йил, 8-апрел